

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11069523>

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ФАШИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ

Кенджаев Якуб Юсупович

Осиё Технологиялари Университети

“Ижтимоий фанлар ва рақамли

технология” кафедраси ўқитувчиси

yoqubkenjayev1388@gmail.com

Аннотация: Уруш йилларида саноат корхоналарининг Ўзбекистонга кўчирилиши натижасида электроэнергияга бўлган талабни оширди, бу эса янгитдан катта кўламда ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий электростанциялар қурилишини, Мараказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда барпо этилишини ҳаётий заруратга айлантириб қўйди.

Калим сўзлар: саноат корхоналари, электроэнергия, электростанция, Ўзбекистон Компартияси, пленуми, гидроэлектростанция, металлургия, фабрика, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети, иссиқлик электростанцияси.

Annotation: As a result of the relocation of industrial enterprises to Uzbekistan during the war years, the demand for electricity increased, which made the construction of new, large-scale modern power plants in Central Asia, including Uzbekistan, a vital necessity.

Key words: industrial enterprises, electric power, power plant, Uzbekistan Communist Party, plenum, hydroelectric plant, metallurgy, factory, Soviet of People's Commissars of the Uzbek SSR, thermal power plant.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон халқи учун оғир дамлар бўлди. Юқорида ишлаб чиқилган режалар марказлашган нуқтаиназардан тузилган бўлиб, Ўзбекистоннинг реал иқтисодий имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқилган эди. Шунинг учун ҳам баъзи саноат соҳаларини ҳисобга олмаганда, бу режа бажарилмади. Ишлаб чиқаришнинг кўпгина соҳаларида 1942 йил ўсиш режалари бажарилмади, аксинча 1941 йил даражасига ҳам ета олмади. Бу ҳолатни ҳарбий ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган деярли барча саноат соҳаларида кузатиш мумкин. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ялни давлат саноати ҳажми (итттифоқ тасаруфидаги саноат тармоқлариан ташқари) 1941 йилда 1291, млн. рубль бўлган бўлса, 1942 йилга келиб бу кўрсаткич 931,9 млн. рубльни ташкил этди¹.

Айниқса бу пасайиш оғир саноат билан боғлиқ бўлмаган саноат соҳаларида яққол намоён бўлди. Жумладан, Ўзбекистон ССР Текстиль саноати Халқ Комиссарлигига қарашли тармоқда саноат ҳажми 1941 йилда 686,6 млн. рубльдан 1942 йилда 441,9 млн. рубльга тушиб қолди. Шунингдек, кўрсатилган давр оралиғида Ўзбекистон ССР Енгил саноат Халқ Комиссарлигида ялни саноат маҳсулотнинг ҳажми 148 млн. рубльдан 102,1 млн. рубльга, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат Халқ Комиссарлигида 319,7 млн. рублдан 222,9 млн. рубльга камайди². Бундай пасайишлар аввало халқ хўжалигини қайта қуриш, ҳарбий изга кўчириш оқибатида, ушбу саноат соҳалари ишлаб чиқариш қуватининг ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилиши, ҳамда бу тармоқларни хом ашё билан таъминловчи қишлоқ хўжалигидаги муаммолар билан изоҳлаш мумкин.

Кўриниб турибдики ҳарбий саноат иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига тегишли корхоналар эвазига кучайтирилди. Тинч пайтда халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарган корхоналар турли ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Вазият шу даражага бориб етдики, масалан, 1942 йил январ ойи учун аҳолига озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш баъзи соҳаларда қарийиб тенг ярмига қисқариб кетди³.

¹ Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3318-иш, 12-варақ.

² Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3318-иш, 12-варақ орқаси.

³ Ўз МА, Р-837-фонд, 1-рўйхат, 3260-иш. 358-359-варақлар.

Шунинг учун халқ истемоли моллари ишлаб чиқариш камайган бўлса-да, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўсиш кузатилади. Барча ҳом ашё ва моддий ресурслар ишлаб чиқариш имкониятлари ҳарбий саноат фойдасига қайта тақсимланди. Уруш йилларида Ўзбекистон халқи ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари фашизм устидан қозонилган ғалабага улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон каби фронт орти республикаларига фронтни асосий қурол-яроғ, техника. Кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш вазифаси юкланди.

Тўғри урушнинг дастлабки йилларида мамлакат халқ хўжалигини қайта қуриш, уни ҳарбий изга ўтказиш жараёни оғир кечди. Моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини фронт эҳтиёжларига мувофиқ қайта тақсимлиш, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ва одатдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қисқартириш, ишлаб чиқаришни ғарбдан шарққа кўчириш, уни мамлакат ичкарасидаги районларда тезлик билан ишга тушириш зарур эди. Буларни ҳаммасини ҳаддан ташқари қисқа муддатларда амалга ошириш лозим бўлар эди¹.

Урушнинг бориши мамлакат ичкарасидаги ишларнинг тўғри йўлга қўйилишига ҳам боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам СССРнинг ўша даврдаги сиёсий раҳбарияти иқтисодиётни уруш шароитидан келиб чиққан ҳолда қайта қуришга алоҳида аҳамият берди. Қайта қуриш совет Россиясидаги граждандар уруши йилларида синовдан ўтган ҳарбий-коммунистик усулларда амалга оширилди. Иккинчи жаҳон урушининг совет давлати фойдасига бориши мамлакат ичкарасидаги ишларнинг қай даражада ташкилланишига боғлиқ эди. Шу боисдан И.В. Сталин бошлиқ СССРнинг сиёсий раҳбарият мамлакат иқтисодиётини тўлиқ ҳарбий изга кўчириш, қайта қуриш ишларини ҳарбий коммунистик усуллар билан амалга оширилди.

¹ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. –Тошкент: Akademnashr, 2019. –Б. 29.

1941 йил 26 июндаги СССР Олий Совети Президиумининг “Ишчи ва хизматчиларнинг иш соатлари режими ҳақида”ги фармойишидан сўнг мамлакатда ишчилар ва хизматчилар учун ишдан ташқари вақтда мажбурий ишлаб бериш жорий этилди. Катта ёшдагилар учун иш куни олти кунлик иш ҳафтасида 11 соатгача узайтирилди. Ҳақиқатда эса 12-14 соатга қадар давом этар эди. Меҳнат таътилига чиқишлар бекор қилинди. Бу ҳол ишчи-хизматчилар сонини кўпайтирмасдан туриб ишлаб чиқариш қувватлари ҳажмини тахминан 35 фоизга оширишга имкон берган эди¹.

Режаларнинг бажарилмаслигига ишчи кучининг, айниқса, малакали кадрлар ва ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги катта таъсир ўтказди. Фронтга кетганларнинг ўрнини эгаллаган малакассиз ишчиларга янги техникани эгаллаш учун вақт зарур эди. Ишчилар малакасининг ошиши, корхоналар техника ва технологияларининг ҳарбий махсулотлар ишлаб чиқаришга мослашиши билан вазият яхшилана бошлади.

Бироқ ишчи кучининг етишмаслиги тобора сезилиб борди. Идора хизматчилари, уй бекалари, ўқувчилар ишлаб чиқаришга жалб қилинди. 1941-йил 14-декабрдан ҳарбий корхоналар ходимлари урушга сафарбар қилинганлар мақомига эга бўлган ва шу корхоналарга бириктирилди. Ишчи кучи етишмаслиги тобора сезилиб борди. Идора хизматчилари, уй бекалари, ўқувчилар ишлаб чиқаришга жалб қилинди.

¹ ЎзР ПАА, 58-фонд, 20-рўйхат, 1245-иш, 78-варақ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Возиесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. – Москва: Госполитиздат, 1948. –С. 37.
2. Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3318-иш, 12-варақ.
3. Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3318-иш, 12-варақ орқаси
4. Ўз МА, Р-837-фонд, 1-рўйхат, 3260-иш. 358-359-варақлар.
5. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. – Тошкент: Akademnashr, 2019. –Б. 29.
6. ЎзР ПАА, 58-фонд, 20-рўйхат, 1245-иш, 78-варақ.